**Ушбу сонда:**
2 ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИГА «Дамас» автомашиналари
3 ҚИШ ИМТИҲОН ҚИЛАДИ
4 *Маънавият сабоқлари* КИТОБ - СОДИҚ ДЎСТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 15 декабр, чоршанба № 199 (1832)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*26 декабр: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни*



*Бир Фармон шарофати*

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

***Давр олдимизга долзарб вазифаларни қўймоқда. Улардан бири хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш ва уларнинг жамиятда эмин-эркин ишлашлари, ижодий фаолият кўрсатишлари учун барча шароитларни яратишдир. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам айнан шу мақсадга қаратилгандир. Ана шу Фармон талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.***

Хусусан, фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида устувор йўналишлардан бири — хотин-қизлар яшаш шароитини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароити яратиш, ижтимоий ҳимоялаш, маданий ҳаётда фаол қатнашиш каби вазифалар ҳам марказий қўмитанинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Тиббиёт муассасаларида тузилган жамоа шартномаларида ёш болали ҳамда кўп фарзандли оилаларга шарт-шароитлар яратиш, уларга нафақаларни ўз вақтида тўланиши, ногирон ва кам таъминланган оилаларга кўрсатиладиган ёрдамларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш, ходимлар соғлиғини тиклаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Бухорода кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган беш нафар талаба қизга вилоят тармоқ қўмитаси маблағидан ҳар ойда «Ҳавас» стипендияси тўланмоқда. Худди шу каби ибратли тадбир Қашқадарё вилоятида ҳам амалга ошириляпти. Бундай ишлар соғлиқни сақлаш тизимининг нодавлат секторидаги муассасаларда ҳам намунали йўлга қўйилган.

Амалдаги қонунчилик ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда аёллар учун белгиланган имтиёзлардан ташқари тармоқ битимлари ва жамоа шартномаларида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Ҳомиладор ва фарзанд кўрганлиги туфайли аёлларга ҳақ тўланадиган таътиллар муддатини узайтириш, икки ёшдан уч ёшгача фарзандлари бўлган аёллар иш вақтини қисқартириш, ҳақ тўланадиган таътиллар муддатини узайтириш каби имтиёзлар шулар жумласидандир. Кўпгина жойларда 12 ёшгача бўлган икки ва ундан кўп болалари ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бор аёлларга ҳар йили уч иш куни миқдорида қўшимча таътил тайинланмоқда. Бундай ибратли тадбирларни Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қилаётган ва алоҳида ҳисобга олинган кўп болали ҳамда кам таъминланган 4 минг 500 оилага ўн миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Марказий қўмита соҳа ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, жойларда меҳнат қонунчилигига риоя этилишини ҳам имконият даражасида таъминлаб келишяпти. Масалан, Андижон вилояти Асака шаҳар марказий касалхонаси терапия бўлими катта ҳамшираси Г. Йўлдошева маъмурият томонидан ўз вазифасига қайта қўйилмаётганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилганди. Текширишлар давомида шу нарса маълум бўлдики, у 1970 йилдан буён катта ҳамшира лавозимида ишлаб келган. 2003 йил 27 ноябрдан 2004 йил 25 январга қадар вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида бўлган. Бош шифокор М. Муҳаммаджонова эса Г. Йўлдошеванинг ўз вазифасига қайта тикланиш ҳақидаги аризасини рад этган. Бу авваломбор Меҳнат Кодексининг 113-моддаси талабларига зид эканлиги аниқланди. Вилоят касаба уюшмалари тармоқ қўмитасининг аралашуви туфайли Г. Йўлдошева ўз вазифасига қайта тикланди.

Сурхондарё вилоят тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмитасига «Навшаҳар» қишлоқ врачлик амбулаторияси фарроши Д. Шопўлатовадан ариза тушди. Шу ўринда унинг ишдан ноқонуний бўшатилганлиги аниқланиб, ўз ишига қайта тикланди. Унга мажбурий бекор юрган вақти учун иш берувчи томонидан ҳақ тўлаш масаласи ҳам ҳал этилди.

Меҳнат муҳофазаси касаба уюшма ташкилотларининг асосий фаолият йўналишларидан биридир. Барча соғлиқни сақлаш муассасаларида ишловчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, тиббиёт ходимлари учун соғлом, хавфсиз меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш учун кўпгина ишлар амалга ошириляпти. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг Наманган, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоят филиалларида, Бухоро вилоят аёлларни соғломлаштириш маркази, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 4-сонли стоматология поликлиникаси каби бир қатор муассасаларда ҳаво алмаштириш тизимларини қайта таъмирлаш, иш жойларидаги ёруғликни белгиланган санитария меъёрга келтириш, ходимларни санитария-маиший хоналар ва ускуналар билан таъминлаш, меҳнат хавфсизлиги устуворлиги борасидаги тадбирлар жамоа шартномаларига киритилиб, ҳаётда ўз аксини топиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Шунингдек, зарарли ишлаб чиқаришда меҳнат қилувчи аёллар сут маҳсулоти, махсус кийим, пойабзал ҳамда ювиш воситалари билан таъминланмоқдалар. Меҳнат муҳофазасини йўлга қўйишда ўтказилаётган республика кўрик-танловлари ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Қашқадарё вилоят 1-сонли шифохонаси касаба уюшма қўмитаси, суд тиббий экспертиза бюросининг меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси, Ўрта Чирчиқ, Деҳқонобод туманлари марказий шифохоналари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарори билан кўрик-танлов ғолиби деб топилдилар. Улар диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланишди.

Маълумки, меҳнат муҳофазаси борасида иш жойларини аттестациядан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари қўмитаси ҳамкорликда республикада биринчи бўлиб 14 та муассасада иш жойларини аттестациядан ўтказишди.

Оналар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳам Марказий қўмитанинг доимий диққат марказида. Ҳар йили 6 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштирилмоқда. Уларнинг 10 минг 300 нафардан зиёд фарзандлари эса болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. Бунда кам таъминланган, кўп болали аёллар фарзандларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Тармоқ муассасаларининг кўпчилигида меҳнат қилаётган аёлларни тиббий кўрикдан, тўлиқ диспансеризациядан ўтказиш ҳам ташкил этилган.

**Лола ЖАЛОЛОВА,**
**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири**

## ТОМДИНИНГ «ЖИБЕК ЖОЛИ»

Навоий вилоятида ўн мингдан зиёд туя ва йилқи парваришланади. Туядан олинадиган маҳсулотларни қайта ишлаш катта фойда келтиради. Шу боис Томди туманида ташкил этилган «Жибек жоли» кичик корхонасида туя жунидан адёл, ёстиқ ва болалар кийим-кечаклари тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхонада элликдан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланди.

## ШИФО МАСКАНИ

Бухоро туманидаги Деҳожи қишлоғида янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бухоро вилоятининг «Саломатлик-2» дастурига мувофиқ бунёд этилган мазкур шифо масканини қуриш ва жиҳозлаш ишларига тумандаги «Маданият» ҳиссадорлик жамияти ва қатор фермер хўжаликлари катта улуш қўшди.

# ТАШВИҚОТ ПЛАКАТЛАРИ ЧОП ЭТИЛДИ

***Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ташвиқот плакатларини нашр этди.***




Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда тайёрланган мазкур плакатларда сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳоли, мақсад ва интилишлари, сайловолди дастури акс этган. Бу сайловчининг ўзи овоз берадиган номзод ҳақида атрофлича маълумот олишини таъминлайди.

Плакатлар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида, бир хил ҳажмда, ҳар бир номзод учун беш юз донадан тайёрланди. Айни пайтда улар тегишли сайлов округларига етказиб берилди. Ушбу ташвиқот материаллари сайлов участкалари, жамоат транспорти, маҳалла гузарлари ва мактаб биноларига илиб қўйиш учун мўлжалланган.

**(ЎзА)**





Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона вилоят кенгашига қарашли Фарғона бирлашган техника мактабида айни кунда икки юз нафар курсант таълим олмоқда. Бу ерда Қуролли кучларимизга радиотелеграфист, телеграфист ва ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

.Техника мактабида асосан Фарғона, Қувасой, Марғилон шаҳри, Олтиариқ ва Охунбобоев туманларидан келган курсантлар таҳсил олади. Энг муҳими, бу ерда ўқиш ва машғулотларни ўтказиш учун керак бўлган барча шароит яратилган. Курсантлар жисмонан чиниқишлари учун замонавий спорт шаҳарчасида ўндан ортиқ тўгараклар фаолият кўрсатяпти.

**Суратларда: курсант Муродил Амиров; автомобил тузилиши синфи раҳбари Адҳам Алимаматов курсантлар билан машғулот ўтказмоқда.**

**М.ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Фарғона шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркасида шаҳардаги элликдан зиёд корхона ва ташкилот мингга яқин бўш иш жойи билан иштирок этди.

Ярмаркада қатнашган талабгорларнинг уч юз нафардан зиёдроғи Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, шаҳар халқ таълими бўлими каби корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинди. Қолганларига ишга жойлашиш юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

## АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Фарғона шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича ўтган халқаро турнирда Тожикистон, Қирғизистон ва мамлакатимиздан 300 курашчи иштирок этди.

11 вазн тоифасида гиламга чиққан полвонлар беллашувида фарғоналик Отабек Ғуломов ва Ботирали Қодиров, андижонлик Аваз Жабборов, хоразмлик Ҳикматилла Худойберганов, самарқандлик Ҳасан Адизов ҳамда Аваз Муҳаммадиев, бухоролик Ҳаким Жалолов, Сурхон Тошпўлатов, Нажмиддин Бозоров, пойтахтлик Абдулборий Бобоев ва Мақсуд Бойбулаев ғолиб чиқди.

## ЁШ ШАХМАТЧИЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Бухорода шахмат бўйича ёшлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 120 нафар ёш шахматчи иштирок этди.

Ғолиблар тўққиз тур натижаларига кўра аниқланди. 10 ёшгача бўлган ўғил болалар гуруҳида самарқандлик Жаҳонгир Воҳидов, қизлар гуруҳида эса тошкентлик Феруза Азизованинг омади келди.

Ўн икки ёшли ўғил болалар баҳсида Фарғона вилояти вакили Раҳматхон Раҳимов, қизлар ўртасида сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоева шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллади.

**(ЎзА)**

*Касаба уюшмалари бозор шароитида*

# МЕҲР ДАРАХТИНИНГ МУСТАҲКАМ ИЛДИЗЛАРИ

***Қишлоқ кишиларининг кайфияти йил якунига кўп жиҳатдан боғлиқ. Хирмон баракали бўлса, омбор ғаллага тўлса, даромаднинг чўғи кўринса миришкордан бахтлиси йўқ. Масалан, «Эшонобод», «Дўстлик», Навоий номли ширкат хўжаликларида бўлсангиз ана шундай манзаранинг гувоҳи бўласиз. Гектаридан 40 центнердан ошириб пахта ҳосили йиғиштириб олган «Муқимий», «Момиқ» фермер хўжаликлари ўзига хос тажриба мактабини яратдилар. Пешона тери эвазига топилган даромад ҳисобидан янги уйлар қуришмоқда, тўйлар қилишмоқда.***

Яхши ният ярим давлат, деганларидек, чинозликлар ҳамиша чўққини кўзлаб ишлайдилар. Белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланади. Омилкорлик, ҳамжиҳатлик таъминланганлиги боис ички имкониятлар ишга солинмоқда. Шу боис аксарият тармоқлар ривожланиш йўлига кирган. Эришилган ютуқларда агросаноат мажмуи ходимлари туман касаба уюшма қўмитасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Унинг тасарруфида 32 та бошланғич ташкилот бўлиб, ўз сафига 11.872 нафар аъзони бирлаштирган. Таъкидлаш жоиз, ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган бошланғич ташкилотлардаги ҳисобот-сайловлар жонли, ошкора ва танқидий руҳда ўтди. Ноз-неъмат бунёдкорлари касаба уюшмаларининг нуфузи ва жанговарлигини ошириш, аъзолар сонини кўпайтиришга қаратилган қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

Сўнгги йилларда меъёрий ҳужжат – жамоа шартномаларининг роли ва аҳамияти анча ошди. Меҳнаткашлар уларда қайд этилган имтиёзлардан унумли фойдаланмоқдалар. Эътиборлиси шуки, агар 2003 йилда бир ходимга қилинган сарф-харажат 194 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 210 минг сўмни ташкил этди. Агар жамоа шартномаси талаб даражасида тузилган бўлса, қонунбузилишларнинг олдини олади, ишловчиларнинг чинаккам суянчиғи бўлади. Ҳисобот даврида «Олмазор» ширкат хўжалиги, Керамзид заводи ва бошқа қатор жамоаларда жамоа шартномалари бандларининг бажарилишига эътибор анча суст бўлди. Бу ҳақда ҳисобот-сайлов йиғилишларида алоҳида гап борди. Жумладан, баъзи раҳбару мутахассислар меҳнат хавфсизлигини таъминлашга оид ҳужжатларга қўл қўйган бўлсалар-да, уларнинг ижросини таъминлашга кўпда етарли эътибор бермайдилар. Ишлаб чиқаришда кўнгилсиз ҳодиса рўй бергандан сўнггина ҳаракатга тушадилар. Муҳим масалага эътиборсизлик оқибатида 4 та одам тан жароҳати олди, 2 таси эса ўлим билан тугади. Бу каби камчиликларни бартараф этишда касаба уюшма етакчиларининг қатъиятлиги, ташкилотчилиги муҳим рол ўйнайди. Шу боис бошланғич ташкилотлар ишбилармон ёшлар ҳисобига мустаҳкамланди.

Касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидан яна бири жойларда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, касб касаллигининг олдини олиш, ишловчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришдан иборатдир. Зеро, ушбу омиллар меҳнат унумдорлигини ошириш, инсоннинг руҳан тетик бўлишида беқиёс аҳамият касб этади. Тармоқ касаба уюшма қўмитаси имкониятдан келиб чиққан ҳолда ишончни оқлашга ҳаракат қилмоқда. Ўтган беш йил ичида 350 нафардан ортиқ кишига сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. 630 нафар ўғил-қиз энг сўлим масканларда мириқиб ҳордиқ чиқарди. Кўп болали, кам таъминланган оилалар имтиёзлардан унумли фойдаландилар. Байрамларда уруш ва меҳнат фахрийлари, эътиборталаб кишилар алоҳида эъзозланади. Уларга совғасаломлар топширилади. Сўнгги йилларда спорт комплекслари ҳамда концертларга жамоа бўлиб боришлар одат тусига кирди. Самарқанд, Хива каби шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмоқда.

Ҳаётимизда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни алоҳида. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари олдига жиддий вазифалар қўйилган. Эътиборлиси шуки, Амур Темур номли, Навоий номли, «Дўстлик» ҳамда Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари қошида ташкил этилган таэквондо ва бокс клублари аъзолари йирик мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Ғуломжон Аслонов, Элмурод Тожибоев, Шаҳноза Холиқова каби номдор спортчилар чинозликларнинг фахрига айланган. Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш йўлида ҳар йили тармоқ ходимлари ўртасида турли хил мусобақалар, спартакиадалар ўтказилмоқда. Футбол бўйича фахрийлар биринчилиги айниқса қизиқарли ўтди. Тармоқ қўмитаси яна бир хайрли ишга қўл урган. Яъни, қишлоқ ёшларини ота касбни эъзозлашга даъват этиб, механизаторлар, сувчилар, фермерлар сафини кенгайтириб бормоқда. Мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратган кишилар ўгитидан ёшлар баҳраманд бўлмоқда. Зеро, бундай меҳнатсевар, фидойи инсонлар меҳр дарахтининг мустаҳкам илдизларидир.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ПЕНСИОНЕР УЙИ ТАЪМИРЛАБ БЕРИЛДИ

***«Андижондонмаҳсулот» акциядорлик жамияти ташкил топганига бу йил 40 йил тўлди. Шу давр ичида корхона кўплаб ўзгариш ва янгиланишларни бошидан кечирди. Вилоят аҳолисини дон маҳсулоти билан доимий равишда таъминлаш авваллари «Заготзерно» идораси зиммасига юклатилганди. Айтиш жоизки, бу корхонанинг имконияти аҳолининг ушбу маҳсулотларга нисбатан тобора ўсиб бораётган талабларини қондира олмасди. Улардаги мавжуд шароит ҳам бунга йўл қўймасди. Жумладан, Андижон ғалла тайёрлаш базасидаги омборлардан учтасининг девори ёғоч-тахтадан, қолганлари хом ғиштдан тикланганди. У пайтда базага келтирилган ғаллани вақтинча сақлаб туриш учун асфалтланган майдонлар, донни ўлчайдиган тарозилар ҳам бўлмаган. Бунинг устига базалар ва заводдаги барча ишлар асосан қўл кучи билан бажариларди.***

Шунинг учун 60-йилларда Андижонда донни тўла қайта ишлаб, маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган бош корхона ишга туширилганди. Мустақилликдан сўнг эса мазкур корхонада туб ўзгаришлар даври бошланди. Жамоа давр талабини тўғри англаган ҳолда 1994 йилда корхонани давлат тасарруфидан чиқариб, акционерлик уюшмасига айлантирди. Акцияларнинг 51 фоизи «Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик корпорацияси ихтиёрида қолди.

Мулк шаклининг ўзгартирилиши жамоа аҳлида эгалик ҳиссини кучайтирди. Ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги янада ортди. Бу эса ишлаб чиқаришнинг ортишига ва маҳсулот сифатининг яхшиланишига олиб келди. Вилоятнинг қулай тупроқ ва иқлим шароити ҳамда соҳада тўпланган ўзига хос тажрибаларни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил декабрда «Андижон вилоятида бошоқли экинлар уруғчилигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини эълон қилди. Мазкур қарорнинг ижроси жамият корхоналари зиммасига юклатилган.

1997 йилдан бошлаб, уюшма корхоналарига Германиянинг «Петкус» фирмасида тайёрланган 12 та линиядан иборат дастгоҳлар келтирилиб, 8 та уруғлик тозалаш цехи ишга туширилди. Бу цехларда супер элита буғдойдан сараланган, ғалла касалликларига қарши дориланган уруғ тайёрланмоқда. Жамият мамлакатимизнинг бошқа вилоятларига ҳам сара уруғлик етказиб беряпти.

Мустақиллик йилларида Андижонда дон етиштириш ҳажми ортиши натижасида донни қабул қилиш ва қайта ишлаш тармоғи янада кенгайди. Айни пайтда акциядорлик жамиятига 21 та корхона бирлашган. Булар орасида учта донни тўла қайта ишлаш, учта нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси, 14 та дон қабул қилиш шохобчаси ҳамда макарон тайёрловчи Ўзбек-Италия қўшма корхонаси бор. Уларнинг барчаси замонавий ускуналар ва технологик линиялар билан жиҳозланди. Ишлаб чиқаришни бошқариш 100 фоиз автоматлашди. Тегирмонга Швейцариянинг жаҳонга машҳур «Бюллер» фирмаси лицензияси асосида Россияда тайёрланган технологик жиҳозлар ўрнатилди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлади. Юқори унумли тозалаш ускуналарининг ўрнатилганлиги, иш жараёнида юзага чиқадиган чанг-тўзонларни камайтирганлиги, технологик жараён автоматлаштирилганлиги боис ишчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланди.

Буғдойни тозалаш, ювиш, янчиш, ун қилиб майдалаш жараёнлари такомиллашди, маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Асбоб-ускуналарни масофадан туриб, пульт орқали бошқариш жорий этилди. Натижада тегирмондаги бир неча юзлаб дастгоҳларни бир киши бемалол бошқарадиган бўлди.

(Давоми 2-бетда)

